

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2025 йил январь ойининг 23 куни, жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман судининг очик суд мажлисида, ўз биносида, раислик қилувчи шу суднинг раиси У.Каримов, халқ маслаҳатчилари А.Рахимов, Н.Бакировлардан иборат таркибда, судья ёрдамчиси И.Собировнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Марҳа мат туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Нишонов, судланувчи Ф.Хасанов ва унинг ҳимоячиси адвокат Р.Негматшаевларнинг иштирокида, судланувчи Хасанов Фуркатбек Махмуджан ўғлига нисбатан 1-1701-2403/957-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Хасанов Фуркатбек Махмуджан ўғли (Хасанов Furkatbek Mahmudjan o'g'li), 1985 йил 5 апрелда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оиласидан ажрашган, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Андижон шаҳри, Шимолий кичик даҳаси, 19-уйнинг 23-хонасида яшаган, иши бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,154-моддасининг 2-қисми, ЖК 154-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд ҳайъати, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини, дастлабки тергов жараёнида ва судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Хасанов Фуркатбек Махмуджан ўғли, 2024 йилнинг январь ойидан дастлабки тергов ва судда шахсини тўлиқ аниқлашни имкони бўлмаган россиялик «Дмитрий Робертович» ва бошқалар билан республикаимиз фуқароларини ҳозирда Россия Федерацияси ҳамда Украина Республикалари ўртасида бўлиб ўтаётган қуролли тўқнашувлар ва ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишлари учун ёллаш бўйича олдиндан жиноий тил бириктириб, шу мақсадда россиялик шахслардан ҳар бир фуқарони ёллаш ва уларнинг ихтиёрига жўнатиб юбориш эвазига шахсий эҳтиёжи учун 1.000 АҚШ долларида олиш бўйича келишувга эришиб, 2024 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Назарматов Фарохиддин Абдуманабович, Ибрагимов Журабек Муталович, Жураев Бахтиёржон Мухаммаджонович, дастлабки тергов ва судда шахсини аниқлашни имкони бўлмаган «Шахзод», «Шукрулло» исмли шахслар ва бошқаларни, гарчи улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлишса-да, низолашаётган давлатнинг фуқароси ва ҳарбий хизматчиси бўлмаса-да, низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамаса-да, бирор давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий



топшириқни бажариш ваколати берилмаган бўлса-да, келгусида уларни Россия Федерацияси ва Украина Республикалари ўртасида бўлиб ўтаётган қуроли тўқнашув ва ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишлари учун уларга 1.500-2.500 АҚШ доллари ойлик маошлари тўланиши, Россия Федерацияси фуқаролиги, ҳарбий гувоҳнома, ҳарбий кийим-бош ва ҳарбий унвонлар берилиши, улар томонидан ҳеч қандай ҳаражатлар қилинмаслиги, йўл ҳаққи пулларининг тўланиши, доимий иш билан таъминланиш, имтиёзли кредитларга эга бўлишларини билдириб, уларга ушбу имтиёзлар берилишини ваъда бериб келгани ҳолда, ушбу шахсларга нисбатан қасддан ёллаш ишларини амалга ошириб, бироқ, Ф.А.Назарматов, Ж.М.Ибрагимовлар томонидан ушбу ҳаракатлар рад этилгани ҳамда Ф.Хасановга нисбатан унинг жиноий фаолиятига чек қўйиш юзасидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилгани боис, Ф.Хасановнинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра унинг фуқаролар Ф.А.Назарматов, Ж.М.Ибрагимов, Б.М.Жураев, «Шахзод», «Шукрулло» исмли шахсларни ёллаш, молиялаштириш ёки уларга бошқа моддий таъминот бериш каби жиноятни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказа олмаган.

Бундан ташқари, судланувчи Ф.Хасанов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2024 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси фуқароси Олимов Фарёзбек Комилжон ўғлини келгусида ҳақ эвазига Россия Федерацияси ва Украина Республикаси ўртасида бўлиб ўтаётган қуроли тўқнашув ҳамда ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиши эвазига 1.500-2.500 АҚШ доллари миқдордаги ойлик маошлари тўланиши, Россия Федерацияси фуқаролиги, ҳарбий гувоҳнома, ҳарбий кийим-бош ва ҳарбий унвонлар берилиши, у томонидан ҳеч қандай ҳаражатлар қилинмаслиги, йўл ҳаққи пулларининг тўланиши, доимий иш билан таъминланиш, имтиёзли кредитларга эга бўлишини билдириб, унга ушбу имтиёзлар берилишини ваъда бериб, қасддан ёллаб, уни молиялаштириб, бошқа моддий таъминот бериб, хусусан «Фарғона-Москва» йўналиши бўйича №ЕТКТ5552333517527/1 рақамли электрон авиачиптани сотиб олиб бергани ҳолда 2024 йил 1 август куни «Фарғона халқаро аэропорти» орқали уни Россия Федерацияси ва Украина Республикаси ўртасида бўлиб ўтаётган қуроли тўқнашув ва ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиши учун Россия Федерацияси ҳудудига жўнатиб юбормоқчи бўлган вақтида, аэропорт ҳудудида ушланган.

Судланувчи Ф.Хасанов судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2010 йилда Россия Федерациясига ишлаш мақсадида бориб, тиш ювиш пастаси ишлаб чиқариш заводида ишлаб, завод раҳбари Россия Федерацияси фуқароси Дмитрий Робертович билан яқиндан танишиб қолганини, 2023 йил декабрь ойининг ўрталарида Дмитрий Робертович «Whats App» ижтимоий тармоғи орқали телефон қилиб, қамокдан озодликка чиққани билан табриклаб, Россия ва Украина давлатлари ўртасида бўлиб ўтаётган қуроллари тўқнашувларда уруш бўлиб ўтган жойга бориб, нон ёпишни ёки қурилишда иш ишларида ишлаши мумкинлигини маълум қилганида, Россия давлатига боришга депортацияси борлигини, бошқа Ўзбекистон фуқароларини топиб, уларни ишга жалб қилиши мумкинлигини айтиб, Андижон шаҳри ҳудудида «Яндекс такси» хизматида таксичилик билан шуғулланиб, йўловчи бўлиб чиққан ва чет давлатларида ишлаш нияти бор шахсларга Дмитрий томонидан айтилган иш ва



таклифларни айтиб, бир нечта шахслар билан телефон рақамларини алмашиб, 2024 йилнинг июнь-июль ойларида йўловчи бўлиб чиққан, кейинчалик таниган Ўзбекистон Республикаси фуқарolari Фарёзбек, Фарохиддин, Журабек, Бахтиёржон ва бошқа 2 нафар шахсларга Дмитрий Робертовичнинг гапларини етказиб, уларни РФга ишга бориш таклифини берганини, уларга Россияда яхши ойлик берадиган иш борлигини, ҳеч қандай ҳаражатлари йўқлигини, иш «тыл»да эканини, яъни РФ ва Украина ўртасида уруш бўлиб ўтган жойларда тозалов ишлари, атрофни кўриқлаш ишлари эканини, уларга ҳарбий кийим, қурол ва офицер унвонлари берилишини, 6 ойга шартнома тузилишини, ойига 2.500-3.000 АҚШ доллари миқдорида ойлик берилишини, турли хил имтиёзлар берилишини, хусусан РФ фуқаролигини олишлари ҳам мумкинлигини, ипотека кредити олиб уй қуриш ҳам мумкинлигини, зарурат бўлса уруш майдонига жўнатилишлари ҳам мумкинлигини, барчаси қонуний эканлигини айтганини, Дмитрий Робертович ҳар бир юборган одами учун 400 АҚШ долларида 1.000 АҚШ долларигача пул тўланиши ҳақида вада қилгани, Олимов Фарёзбек ва унинг 2 нафар шеригига Дмитрий томонидан айтилган гапларни тушунтириб, уларга РФга бориб, дастлаб ҳарбий тайёргарликдан ва тиббий кўриқдан ўтишларини, сўнгра фронтга жўнатилишини, у ерда ҳарбий кийим, унвон, жанговор қурол ва бошқа таъминотлар билан таъминланишини, Россия Куролли кучлари томондан туриб, улар эгаллаган ҳудудларда кўриқлаш ишларини амалга оширишларини, айрим шахслар эса жанговор ҳаракатларга юборилиши мумкинлигини ҳам айтганини, бунинг эвазига ҳар ойда улар 1.500-2.000 АҚШ долларида ойлик маош олишлари ва РФ фуқаролигини қўлга киритишлари мумкинлигини тушунтирганини, Олимов Фарёзбек у ерга бориб ишлаш нияти борлигини маълум қилганидан кейин унинг шахсига оид барча ҳужжатларни олиб, Дмитрийга «WhatsApp» орқали юборганини, Дмитрий ушбу шахснинг ҳужжатларини РФ тегишли идораларига тақдим қилинишини, улар текшириб кўришгач, рухсат бўлганидан сўнг, ўзи алоқага чиқиб хабар беришлигини айтганини, 2024 йилнинг тахминан 29 июль куни Дмитрий тезлик билан битта одам юбориши кераклигини айтганида, бу ҳақида Фарёзбекка хабар бериб, Фарёзбекнинг паспортини Дмитрийга жўнатиб берганидан сўнг Дмитрий авиабилет сотиб олиб беришини билдириб, 2024 йил 1 август куни 06:15 да Фарғона-Москва йўналиши бўйича авиарейс борлигини айтиб, шу рейсга билет олганини билдирганидан кейин у Фарёзбекка тайёргарлик кўришини айтиб, унга 1 август куни эрталаб учиб кетишини маълум қилиб, Дмитрий унга юборган электрон авиабилетни Фарёзбекка юборганини, 2024 йил 1 август куни соат 3 ларда Андижон шаҳрида Фарёзбек билан кўришиб, Фарғона халқаро аэропортига кириб келишиб, уни жўнатиб юбораётганида қўлга олинганини, Бахтиёр, Фарохиддин, Абдурахмон исмли шахслар ва бошқаларга ҳам россиялик Дмитрийнинг гапларини етказиб, уларга юқоридаги ишни таклиф қилганини, бироқ ушбу шахслар билан ишлари якунига етмаганини, Россия Федерацияси ҳамда Украина Республикаси ўртасида бўлиб ўтаётган қуролли тўқнашувлар бўлиб ўтган ҳудудларга одам юборишдан мақсади ўзи ҳам ушбу жойларга келиб, Ўзбекистонлик фуқаролардан ташкил топган қурилиш бригадасини ташкил қилиб, ўзи раҳбарлик қилиб, ишлатишни мақсад қилганини, чунки Дмитрий унга ҳам РФга киришни тақиқловчи



депортини ечиб беришини вада берганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ушбу ҳаракатлари жиноят эканини тушунмаганини кўрсатиб, енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Ф.Олимов судда, 2024 йил июль оyi ўрталарида кейинчалик таниган ўша вақтда такси хайдовчиси бўлган судланувчи Ф.Хасановнинг автомашинасига ўтирганида, у билан гаплашиб яқиндан танишиб, йўл-йўлакай суҳбатлари давомида Ф.Хасановни қизиқтирган саволларга жавоб бериб, унга вақтинча ҳеч қаерда ишламаётгани, ҳарбий хизматга боргани ҳақида билдирганидан кейин Ф.Хасанов унга Россияда яхши ойлик берадиган ишлар борлиги, агар рози бўлса, ҳеч қандай ҳаражатлари йўқлигини билдирганида, ундан қандай иш эканини сўраганида, у «тыл» деб жавоб бергани, шунда уни маъносини сўраганида, РФ ва Украина ўртасида уруш бўлиб ўтган жойларда тозалов ишлари, атрофни қўриқлаш ишлари экани, шунингдек ҳарбий кийим берилиши, 6 ойга шартнома тузилиши, ойига 2.500-3.000 АҚШ доллари ойлик берилиши, турли хил имтиёзлар берилиши, хусусан РФ фуқаролигини олиш мумкинлиги, ипотека кредити олиб уй қуриш ҳам мумкинлигини тушунтиргани, шунингдек, зарурат бўлса уруш майдонига жўнатилиши, ҳарбий кийим, қурол берилиши ва «лейтенант» унвони олиши, барчаси қонуний эканини маълум қилганидан сўнг моддий томондан қийналаётгани учун унинг таклифига қизиқиб қолиб, ўзаро телефон рақамларини алмашишгани, у бу ҳақида ҳеч кимга айтмаслиги, яна бошқа танишлари бўлса уларни ҳам бирга юборишини айтгани, шунда у ўзига таниш бўлган «Шахзодбек» ва «Шукурулло» исмли шахсларга бу ҳақида айтиб, уларга Ф.Хасановнинг гапларини етказиб, Ф.Хасановнинг таклифига биноан, ушбу шахсларни Ф.Хасанов билан кўриштирганида, Ф.Хасанов уларга ҳам ҳеч қандай ҳаражат кетмаслиги, билетларини ўзи олиб бериши, уларни у ерда «Генерал» кутиб олиши, қурол, ҳарбий форма ва «лейтенант» званияси берилиши, 2.500-3.000 АҚШ доллари ойлик тўланиши, уларни юборгани учун Ф.Хасанов ўзи ҳам хизмат ҳаққи олиши, кейинчалик унинг ўзи ҳам уларнинг ортидан етиб боришини тушунтиргани, шунингдек РФга етиб боргач айнан қаерга боришлари етиб боришганидан сўнг ҳал бўлиши, одам қаерда кам бўлса ўша ерга жўнатишларини тушунтиргани, шундан сўнг, у, Шахзодбек ва Шукуруллолар айтилган ҳужжатларни таржима қилдириб, телеграм орқали Ф.Хасановга жўнатишганидан кейин, у телефон қилиб, ҳужжатларини бошлиғига жўнатгани, уларни КГБ текшириб, рухсат берса уларга билет жўнатишини айтганидан кейин унинг таклифига розилик билдириб, оила аъзолари билан маслаҳат қилишларини билдиришганидан кейин орадан бироз вақт ўтиб, Ф.Хасанов телефон қилиб, «эртагаликка 1 киши кетиши керак, сўрашяпти, қолганларни 2 кундан кейин орқасидан жўнатаман» деганида, у Шахзодбек ва Шукуруллолар билан гаплашганида, улар фикрларидан қайтиб, РФга бормасликларини айтишгани, шундан сўнг Ф.Хасановга ўзи РФга кетишга розилигини билдирганидан кейин, у телеграм орқали «Фарғона-Москва» йўналиши бўйича электрон билет юборгани, сўнг оила аъзолари билан ҳайрлашиб турган вақтида кириб қолган қўшнисига ҳам РФга кетаётганини билдириб, Ф.Хасанов айтган гапларни айтганида, у алданиб қолмаслиги, уни урушга юбораётган бўлиши мумкинлиги, эҳтиёт бўлиши, у жойлар хаёт учун



хавфли эканини тушунтирганида, алданиб қолишдан кўрқиб, РФга бориш фикридан қайтиб, Ф.Хасанов уни жиноятга бошлаётганини сезиб, ДХХ Андижон вилояти бошқармасига келиб, ДХХ ходимларига бўлган ҳолатларни баён қилиб, ариза билан мурожаат қилганидан кейин, 2024 йил 1 август кун Ф.Хасанов билан Фарғона халқаро аэропортига келишиб, Ф.Хасанов у билан расмга тушиб, уни ижтимоий тармоқ орқали «Дмитрий» исмли шахсга юбориб, юборилаётган одам у эканини маълум қилганида, Дмитрий уни Россия аэропортида кутиб олишларини маълум қилгани, сўнг самолётга чиқиш вақтида, Ф.Хасанов билан ҳайрлашиб энди кетмоқчи бўлган вақтида, Ф.Хасанов ушлангани ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи Ф.Хасановнинг айби, унинг судда айбига тўлиқ иқдор ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари, дастлабки тергов ва суддаги гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишдаги ариза, билдирги, телефон орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотларни олиш, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд муҳокамасида текширилган бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланган.

Суд, судланувчи Ф.Хасановнинг моддий манфаатдорлик кўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуроли тўқнашувда, ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланма шахсни ёллашга бўлган суиқасд, шунингдек ёллаганликдан иборат ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,154-моддасининг 2-қисми, 154-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши; 54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши; ЖПКнинг 455-моддасида, ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги, ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация қилинган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши; Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд ҳайъати, судланувчи Ф.Хасановга жазо тайинлашда у томонидан содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, уни айбига иқдор ва қилмишидан пушаймонлигини, 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини енгиллаштирувчи, жиноятни ғаразғўйлик ниятларда содир этганини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, у айбланаётган



модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни лозим топади.

Суд ҳайъати, ЖПКнинг 211-моддаси тартибида ашёвий далил тариқасида олиниб, жиноят ишида сақланаётган 1 дона уяли телефон аппарати ва 1 дона сим картани тегишли тартибда йўқ қилишни, ёзма далиллар деб топилган ҳужжатлар ва 3 дона дискларни жиноят ишида қолдиришни лозим топади.

Суд ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-474-моддаларига амал қилиб,

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Судланувчи Хасанов Фуркатбек Махмуджан ўғли (Xasanov Furkatbek Maxmudjan o'g'li) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,154-моддасининг 2-қисми, ЖК 154-моддасининг 2-қисми билан айбли деб топилсин.

Ф.Хасановга Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,154-моддасининг 2-қисми билан 7 йил, ЖК 154-моддасининг 2-қисми билан 7 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 7 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 1 августдан бошлаб ҳисобланиб, жазо умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Ашёвий далил тариқасида олинган 1 дона уяли телефон аппарати ва 1 дона сим карта тегишли тартибда йўқ қилинсин, ёзма далиллар деб топилган ҳужжатлар ва 3 дона дисклар жиноят ишида қолдирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Андижон вилояти судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Андижон вилояти судининг жиноят ишлари бўйича кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи (имзо)

Халқ маслаҳатчилари (имзо)

(имзо)

У.Каримов

А.Рахимов

Н.Бакиров

Ҳукм нусхаси аслига тўғри,

Раислик қилувчи

У.Каримов

